O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

# 2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 145 (9.489) 2000 йил 11 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*...Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.*

**Ислом КАРИМОВ**



## Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилди

"Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур", деди давлатимиз раҳбари 7 декабрь куни Тошкентдаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида.

Мазкур йиғилишга юртимизнинг кўзга кўринган сиёсий арбоблари, шаҳар жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тўхталар экан, Бош қомус фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда асосий мезон эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан, ҳар бир мустақил ва демократик давлатда Конституция одамларнинг бош ҳимоячиси саналади. У фуқароларни ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидлардан, қонунбузарликлардан, адолатсизликлардан асрайди, уларнинг тинч ва фаровон яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтган саккиз йил Ўзбекистон Конституцияси халқ манфаатларини ҳимоя этишга қодир, демократик тамойилларга тўла жавоб берувчи адолатли қонун ҳужжати эканини тўла исботлади. Халқимизга ер ва мулкни қайтарган, тадбиркорлик ва бизнес учун кенг йўл очган, сўнгги йилларда мамлакатимиз тинчлигига тажовуз қилган турли террорчилик ҳаракатларидан одамларни ҳимоя қилган, аввало, Конституциямиздир.

Конституция фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, улар зиммасига турли бурч ҳамда масъулиятлар ҳам юклайди. Бурч дегани, аввало, Конституцияни ўқиб-ўрганишдан бошланади. Бош қонуннинг маъно-мазмунини англамайдиган фуқаро жамиятда ўз ҳаққини билмайдиган, ҳуқуқий онгсиз томошабинга айланиб қолиши турган гап.

Ислом Каримов ўз нутқида масаланинг айни жиҳатига эътибор қаратди. "Минг афсуски — бу сир эмас — кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин," деди Президент.

Ислом Каримов мамлакатимиз Бош қонуни болалар боғчаларида ўргатилиши, мактаб ва олий ўқув юртларида алоҳида дарс сифатида ўқитилиши лозим эканини ҳам таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳиддинова Конституциянинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни, Ўзбекистонда қонун устуворлигини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

Тантанали маросим санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

**Фарҳод АРЗИЕВ (ЎзА)**

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ сана — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, рухсатингиз билан, Конституциямиз ҳақидаги баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизнинг ҳаётимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятларимиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, мана шу фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди.

Минг афсуски — бу сир эмас — кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи тариқасида бир мисол келтирмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ана шу тамойил негизида олиб боришни ўзимизнинг энг муҳим мақсадимиз қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, давлат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг хаёлида, онгида, амалий кундалик фаолиятида ўз аксини топганида эди, шу принцип, шу тамойил уларнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Афсуски, Конституциямизнинг қабул қилинганига 8 йил тўлаётган ҳозирги кунда ҳам бу мақсадга эришишимиз оғир кечаяпти, десак хато бўлмайди.

Энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билади.

Бу салбий ҳолат — бугунги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ёки мулкчилик, мулкка муносабат масаласини олайлик.

Эски Конституцияга биноан ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Шу даврни бугун эслайдиган бўлсак, ҳар қайсимиз кечирган не-не қийинчиликлар, аввало, одамларнинг, инсонларнинг қадр-қиммати таҳқирлангани ва хўрлангани кўз ўнгимизга келади.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканига кафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар табақасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бу қоида Асосий Қонунимизнинг дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узоқни кўзлаб, мукаммал яратилганини ҳам исботлайди.

Лекин яна бир бор шуни таъкидлашга мажбурман. Хусусий мулкнинг ривожланишига, аввало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат миллий бойлик яратишда ва уни зиёда этишда, балки ҳар қайси оилани боқишда асосий манба, омил бўлишига, бизнинг мана шундай сиёсатимизни тушуниш, англаш ва амалга ошириш йўлида қанча-қанча тўсиқ ва ғовлар, товламачилик ва порахўрлик иллатлари тўғаноқ бўлиб турганини барчамиз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Бу ҳам бугунги ҳаётимизнинг яна бир аччиқ ҳақиқатидир.

Асосий Қомусимизнинг ҳаётий муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир мисол келтирмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).



*Изҳор*

## ОНА АЛЛАСИ ЯНГРАСИН

Қомусимиз қабул қилинган кунига бағишланган тантанали йиғилишда мамлакатимиз Президентининг XXI аср биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб эълон қилишидан ниҳоятда руҳланган ҳамшаҳарларимиз ўз дил изҳорларини телефон қўнғироқлари орқали «Оқшом» таҳририятига йўллашмоқда.

● **Маъмура ЮНУСОВА, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси туғруқхоналар бўлими бошлиғи:**

– Оналар ва болаларга берилган эътибор бу жамият ривожига, мустақил юртимиз равнақига кўрсатилган муҳим эътибордир. Зеро оналар соғ бўлса, соғлом фарзанд дунёга келади. Янги йил ҳам биз шифокорлар зиммасига янада улканроқ масъулият юклайди. Ҳар бир шаҳримизда истиқомат қилувчи онанинг ва унинг жигарбанди саналмиш фарзандининг соғлиғини муҳофаза қилиш бизнинг зиммамизда.

● **Хотима ШАЙХОВА, профессор:**

– Президентимизнинг сўзларини «Туркистон саройи» залида ўтириб эшитиб қалбим фахрга тўлиб кетди. Қаранг, Оила, Аёллар, Соғлом авлод ҳамда Оналар ва болалар йили. Бу ҳаммаси бир-бирининг мантиқий давоми, мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига, аёллар ва болалар саломатлигига кўрсатилаётган ниҳоятда юксак эътибор. Зеро аёл, она эъзозланган юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Ахир она шу ўлканинг келажагши бўлган фарзандларни яратади, уларни тарбиялайди. Шу боис ҳам оналар ва болаларга эътиборнинг, аёлга эҳтиромнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши жуда муҳим воқеа. Бунинг учун биз оналар ана шу ишонч ва эҳтиромга муносиб бўлмоғимиз лозим.

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

## Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

### Бу юртда ҳалол меҳнат, албатта, қадр топади

**Мамлакатимизда ҳар йили эркимиз ва озодлигимиз рамзи — Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь — умумхалқ байрами арафасида халқимизнинг турли соҳаларда ибрат кўрсатиб меҳнат қилган вакилларига Ватан мукофотларини топшириш яхши анъанага айланган.**

Истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги байрами муносабати билан эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, миллий мафкура ғояларини рўёбга чиқаришдаги фидойилиги, ватанпарварлиги, юртимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижодий, илмий фаолияти, ҳалол меҳнати билан турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали хизмат қилиб келаётгани учун ҳамюртларимиздан катта бир гуруҳи мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди.

7 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида мазкур мукофотларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бугун кўпмиллатли халқимиз ўзининг бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнати билан ўз ҳаётини янада обод ва фаровон этиш йўлида бутун дунё эътироф этаётган юксак натижаларга эришмоқда, — деди Йўлбошчимиз. — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик тарихи давомида қўйган қадамларимиз, амалга оширган ишларимиз туфайли юртимиз, шаҳар-қишлоқларимизнинг янгича чирой очиб бораётгани, кўплаб замонавий иншоотлар ва корхоналар, катта-катта қурилишлар, равон йўллар барпо этилаётгани, энг муҳими, одамларимизнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати тубдан ўзгараётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Минг-минглаб юртдошларимиз ўзининг фидойи меҳнати ва халққа хизмати билан, Ватанимиз равнақи, юртимиз тараққиёти, осмонимиз мусаффолиги учун курашиш йўлида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишда, унинг обрў-эътиборини юксалтириш борасида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунинг ифодаси бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида — иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий соҳаларида бўладими, илму фан, ижод ва санъат дунёсидами, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдами — барча-барчасида намоён бўлаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: "Конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади", деб қатъий кўрсатилган.

Келинг, азиз дўстлар, ўзимизга яна бир фараз қилиб кўрайлик.

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олишга, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган ушбу конституцион нормаларни ўз вақтида қабул қилмаганимизда бугунги кунимизда қандай бало-қазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етади, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, шу ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсиқ ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг қонуний ечимини топишда Конституциямиз кундалик ҳаётимизда асосий ва мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Мана шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Бугун барчамизга яхши аёнки, жамият ҳаётини ўзгартириш, эски, бизга халақит бераётган асоратлардан воз кечиш, олдимизга мақсад қилиб қўйган эркин, демократик тамойилларга асосланган ҳаётга эришиш бир-икки йилда бўладиган осон иш эмас. Буни кўпгина ривожланган, тараққиёт йўлида фаровонликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий тармоқ ва жабҳаларда ислоҳотларни жорий қилиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак.

Лекин, олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, у барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Мен Конституцияга нисбатан "ҳимоя" сўзини бекорга ишлатмадим. Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, шу йил ёзда Сурхондарё ва Тошкент вилояти тоғларида қаҳрамонлик кўрсатиб шаҳид кетган мард ўғлонларимиз каби, ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, сизлар билан кенгашиб, 2000 йилни яхши ниятлар билан Соғлом авлод йили деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз — барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун махсус Давлат дастури қабул қилинган эди.

Бундай улкан вазифалар ижросини таъминлаш учун бир йил жуда қисқа муддат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. Лекин шунга қарамай, йил давомида давлат дастурида белгиланган олти йўналиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилганини, ёш авлод тарбиясида салмоқли ўзгаришлар рўй берганини эътироф этмоқ лозим.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш — соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш даркор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда "Оналик мактаби", "Тиббий ишлар асоси", "Балоғат даври" каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, "Оила кодекси"га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган "Оила дорилфунунлари" очилгани, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш — давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган "Она ва бола скрининги" тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди.

Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган "СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи"нинг бунёд этила бошлагани, унинг биринчи навбати қурилиши учун 2 миллион доллар маблағ сарфланиб, ишга туширилгани ҳам бу борадаги жиддий ютуқ бўлди.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган 600 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини, "Меҳрибонлик уйлари", мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун ихтисослаштирилган ўқув масканлари тарбияланувчиларини 11 турдаги дарслик, ўқув анжомлари билан таъминлашга 2 миллиард 508 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш каби Кадрлар тайёрлаш дастури бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ҳам соғлом авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғли аҳамиятга эга экани ҳаммамизга аён. Талаба ёшлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган "Алпомиш ўйинлари", "Универсиада-2000" мусобақалари, маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил қилинган теннис турнири каби кўплаб спорт тадбирлари ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш йўлида, эртанги буюк келажагимизни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай эзгу ва хайрли ишларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Лекин Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда.

Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган, барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади.

Қадрли юртдошлар!

Шу муносабат билан мен XXI асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаётган 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошлаган хайрли ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўёбга чиқариш, охирига етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Содда қилиб айтганда, бошлаган ишларимиз ва ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошланган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан илгари ҳам тилга олинган, олдимизда турган баъзи масала ва муаммоларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада биз аввало Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак.

Шунингдек, туғилган гўдакни дунёга келган кунидан бошлабоқ тиббий назоратга олиш, уни турли касалликлар, соғлом ўсишига рахна соладиган салбий таъсирлардан асраш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам ниҳоятда муҳимлиги ҳаммамизга аён.

Бунинг учун болани ривожланган давлатлардагидек, бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозим.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Айниқса, бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз.

Ҳеч шубҳасиз, Оналар ва болалар йилида кўзлаган эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутасадди ташкилот ва идоралар, авваламбор, кенг жамоатчилигимиз, турли нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларини бу савобли ишга жалб этган ҳолда, амалий бир дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу дастурни амалга оширишда бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча ташкилотларнинг, бир сўз билан айтганда, бутун халқимизнинг фаол иштирокини кўзда тутиш даркор.

Ишонаманки, Янги йилимизни мана шундай улуғ ва хайрли орзу-ниятлар, қўлимиздан келганича савобли ишлар билан кутиб олаётганимиз, бу хайрли ишларга шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг саъй-ҳаракатини жалб этишимиз йил давомида ўз мевасини, ўз самарасини беради, иншоолло.

Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига оилани, оналаримиз, умр йўлдошларимиз, азиз фарзандларимизни янада қадрлаш, уларни асраб-авайлаш борасида жуда катта масъулият юклайди.

Ўз оиласи, ўғил-қизларининг камоли, бахт-саодати учун меҳнат қилиш, уларни ҳимоялаш, ўйлайманки, ҳар бир эркак зотининг энг асосий ва муқаддас бурчидир.

Сўзимнинг охирида барчангизни яна бир бор Конституциямиз байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этаман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

# Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

## Бу юртда ҳалол меҳнат, албатта, қадр топади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз, эл-юрт эътибори ва она-Ватанимизнинг мукофотларига сазовор бўлганлар ҳақида гапирар экан, биз, аввало, ўз юксак ҳурмат-эҳтиромимизни мамлакатимизнинг пахтазору ғаллазорлари бағрида она заминга меҳрини бериб, туну кун меҳнат қилаётган, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш деҳқонларимизга қаратамиз ва уларнинг меҳнати олдида таъзим этамиз, деди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу йили ана шундай инсонларнинг муносиб вакилларидан бирваракай уч нафар уста пудратчи деҳқон давлатимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланганини мана шу буюк ҳурматимизнинг ёрқин далолати, десак, муболаға бўлмайди.

Юксак мукофотларга сазовор бўлганлар сафида бетакрор истеъдоди, авлодларга қолдирган бой маънавий мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан тараққиётига бағишлаган бир гуруҳ марҳум маданият намояндаларининг номлари борлиги авваламбор уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, муборак хотирасини ёд этганимизнинг яққол намоёнидир, деди Йўлбошчимиз.

Ўзбек халқининг улуғ фарзандлари — Ғафур Ғулом, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби мумтоз адибларимиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Муҳиддин Қориёқубов, Юнус Ражабий, Аброр Ҳидоятов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров сингари уста санъаткорларимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланганини халқимиз қалбида бу зотларга бўлган меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслигининг исботидир.

Бугун Ватаннинг олий мукофотларини ана шу азиз инсонларнинг авлодларига топширар эканман, тарихий адолат қарор топганидан, эл меҳри, юрт эътибори туфайли бу улуғ ижодкорларнинг руҳи шод бўлганидан, шундай савоб ишларга ҳиссам қўшилганидан ҳаммангиз қатори мен ҳам беҳад қувонаман, деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбари юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамон фарзандларимизнинг ота-оналарига яна бир бор ҳурмат билдириб, уларнинг номлари ва жасорати ҳеч қачон қалбимиздан ўчмаслигини алоҳида таъкидлади:

— Мукофотланганлар қаторида мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, тинч ва осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидай асраш, мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигимизни таъминлашдек шарафли ва масъулиятли ишда алоҳида ўрнак кўрсатган Ватан посбонларининг борлиги халқимизнинг уларга нисбатан чексиз ҳурмати белгиси сифатида қабул қилиниши керак.

Мен бугун мукофотланган юртдошларимиз сафидан ўрин олган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизда катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган кекса-ю ёш ҳамюртларимизнинг қувончига шерик бўлишдан ғоят мамнунман. Янги аср арафасида, муборак Рамазон ойида юз кўришганимиздан, ҳар бирингизни бағримга босиб, мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан табриклаётганимдан ўзим ҳам қалбимда чексиз фахр ва ифтихор туйяпман.

Мамлакатимиз раҳбари "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлган юртдошларимизни, турли мукофотларга муносиб кўрилган ёзувчи ва шоирларни, ўқитувчиларни, илм-фан, санъат ва маданият намояндаларини, лафзи ҳалол деҳқонларни, ишлаб чиқариш илғорларини, юрт тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраётган Ватан посбонларини, серқуёш ўлка довруғини бутун дунёга тараннум этаётган алп баҳодирларимизни муборакбод этди, уларга ижодий зафарлар ва қувончлар тилади.

Президент Ислом Каримов Бухоро вилояти Ғиждувон тумани С.Айний номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Ҳазрат Аблақулов, Хоразм вилояти Хива тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бош пудратчиси Бекдурди Жуманиёзов ва Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Б.Отақулов номидаги ширкат хўжалиги бош пудратчиси Юрсинбой Жўраевга мамлакатимизнинг Олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони гувоҳномаси ва "Олтин юлдуз" медалларини топширди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўзининг шарафли меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, маориф, спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан бир гуруҳига юксак унвонлар ва орден-медалларни ҳам тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Бекдурди Жуманиёзов, Хури Алимхўжаева, Тўти Юсупова, Таъназберди Қурбонов, Малик Набиев, Лев Ким, Аделина Любчич, Тоҳир Малик, Шомурод Тоғаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ва бошқалар ўзларига билдирилган бундай юксак ишонч кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшишини, янада олижаноб ишларга бошлашини таъкидладилар, юксак обрў-эътиборга лойиқ кўрган халқимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

**Ўктам ДЎСТЁР.**
**(ЎзА)**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида жамиятимизнинг барча жабҳалари вакиллари қаторида фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди.**

Истиқлол байрами арафасида тақдирланган юртдошларимизга юксак унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросимлари, анъанага кўра, мамлакатимизнинг Бош қонуни — Конституция қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиз, вилоятлар ва Қорақалпоғистонда катта шодиёналар билан ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ана шундай юксак ҳурматга сазовор бўлган оммавий ахборот воситалари, маданият ва маънавият ходимларидан бир гуруҳига фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Ватанимизнинг юксак мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Маросимда мукофотланганлар номидан сўзга чиққан зиёлилар бу унвон, орден ва медаллар барча куч ва билимларини Ватан манфаатлари ва юрт келажаги йўлида янада фаолроқ сарфлашга даъват этишини таъкидладилар.

Ўзбекистон рус академик драма театрида эса бир гуруҳ маданият ва санъат ходимларига Ватан мукофотларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев топширди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан мукофотланган санъаткорлар орасида Ўзбекистон халқ артисти Ҳалима Носирова ҳам бор эди. Миллий маънавиятимиз, маданиятимизни юксалтириш йўлидаги ана шундай беқиёс хизматлари эътиборга олиниб, Президентимиз Фармонига кўра, Ҳалима Носирова "Буюк хизматлари учун" орденига сазовор бўлди.

**(ЎзА)**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида байрамона руҳ ҳукм сурган Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов фидойи, жонкуяр ва халқ хизматига камарбаста ҳамшаҳарларимизни мустақил юртимизнинг фахрий унвонларию юксак нишонлари билан кутлаган ҳолда уларга «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари гувоҳномаларини топширди.**

— Давлатимиз раҳбари томонидан кўпчилик юртдошларим қатори менинг ҳам камтарона хизматим қадрланганидан чуқур ҳаяжондаман,— деди мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалласи фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгашининг раиси Хурсаной Авазова. — Мен олти йил давомида Амир Темур экспедицияси аъзоси сифатида бепоён юртимизни кезиб истиқлол шарофати билан юз бераётган хайрли ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлдим. Вайрон бўлиб ётган ёдгорликларнинг гўзал зиёратгоҳларга айланганини кўриб кўзимиз қувнайди. Биз буюк неъматга эга бўлган инсонлармиз, улуғ Юртбошимиз бор, Ўзбекистоннинг юксалиши йўлида XXI асрда баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш борасида қўлимдан келган бутун куч-имкониятларни ишга соламан. Чунки бу олий мукофот барча қатори менга ҳам зўр куч-қувват бағишлайди. Шунингдек, «Ўзкабел» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси 5-цех прессловчи-автомат созловчиси Болтабой Алимов, «Коском» Ўзбек—Америка қўшма корхонасининг бош директори Алексей Степановлар ҳам Ватанимизнинг олий мукофотлари учун Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, бундай юксак ишонч уларни келгусида янги муваффақиятлар сари ундашини таъкидлаб ўтдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

* * *

**«Олимпия шон-шуҳрати» музейида ҳам бир гуруҳ мураббий ва спортчиларга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Баҳодир Тожиев ва бошқа мутасаддилар халқаро майдонда спортимиз шарафини юқорига кўтарган А. Очилов, А. Багдасаров, Р. Исломов, Т. Турғунов, И. Тўлаганова каби спортчиларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони гувоҳномалари, фидойи мураббийларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвони, «Дўстлик» ордени ва «Шуҳрат» медалларини топширди.

